

(1568-1599)

(1582-1599)

Балх ва Бадахшон хокими (1582-1598). 1598-99-йилларда Бухоро хони бўлган. 1589-йилдан отаси Абдуллахон ИИ билан муносабатлари кескин ёмонлашган. Чунки Абдуллахон ИИ Хиротни Сафавийлардан кайтариб олгач, уни ўз ўгли қолиб, Кулбобо Кўкалдошга инъом қилади. Бунинг устига у Хуросондаги ноиблари – Кулбобо кўкалдош, Динмуҳаммад султон ва бошқа; арга ёзма фармон жўматиб, Абдулмўминга итоат этмасликни ва ҳатто бирор қулай фурсатдан фойдаланиб уни жисман йўқ қилишни буюради. Шунингдек, у Нисо, Обивард ва Дурун хокими Нурмуҳаммадхонни қоллаб-қувватлаб уни Абдулмўминга қарши урушга ундайди. Бундан даргазаб бўлган Абдулмўмин 1597-йилнинг кузида отасига қарши бош қўтариб, Балх ва Бадахшон қўшини билан Амударё бўйига келган. Абдуллахон ИИ нинг қўшини Насаф (Қарши) атрофида жойлашган. Абдуллахонга қўмакка вилоят хоқимлари – масалан, Аҳси ва Андижон хоқими Ўзбек султон ўз қўшинларини юборган. Бухоро ва Балх уламолари аралашуви билан Абдулмўмин ва Абдуллахон ИИ ўртасидаги низоларга вақтинча барҳам берилган. Абдулмўмин 1598-йил 8-февралда амир Муҳаммад Боқибий билан қелишиб отаси Абдуллахон ИИ ни заҳарлаб ўлдиради. Абдулмўмин отаси Абдуллахон ИИ вафот этгач, Бухорога қайтиб тахтни эгаллаган. тахтга ўтирганидан сўнг, отасининг яқин қишлари ҳамда ўзининг Фарғона ва Тошкентдаги барча шайбоний қариндошларини қўлимларча қатл эттириши мамлакатда исён қўтарилишига олиб келган. У Эрон сафавийлари билан Хуросон учун қурашни давом эттирган. Абдулмўминнинг тахтга ўтирганидан олти ой ўтгач, Зоминдан Самарқанд томон қелаятганда отасининг амирларидан бири – Абдулвосеъ уни олиб ўлдиради. Абдулмўмин мўнгуллар қайрон қилган Балх қалъасини қайта қурдирган, Балхдаги Ҳожа Абу Наср Порсо мозорида ҳашаматли қўшқ бунёд эттирган.